



INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

2026

No 1

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY

Scientific and practical electronic journal



Indexlanadigan bazalar:  Google Scholar  Crossref  OpenAIRE  CYBERLENIKA



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY
ELEKTRON JURNAL

**1-jild
1-son
yanvar, 2026**

**January, 2026
Volume 1
Number 1**

**ИННОВАЦИОННАЯ
ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал**

**INNOVATIVE ECONOMY
Electronic scientific and
practical journal**



INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tahririyat Kengashi raisi o‘rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas’ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Texnik muharrir:

S.J.Qulmurotov

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi 225-uy Tel.:

+998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

innoeconomic@kstu.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko‘rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Ovchinnikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog‘iston Respublikasi Milliy fanlar akademiyasi)

Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva energetika instituti, Rossiya)

Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)

Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti, Rossiya Federatsiyasi hukumati)

Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi Milliy fanlar Akademiyasi)

Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti)

Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar universiteti)

Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazorat fanlari instituti)

Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti)

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo‘raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - i.f.d., (DSc) dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg‘unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo‘jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.d., (DSc), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)



ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Учредитель:

Каршинский государственный технический университет

Председатель редакционного совета:

Р.Х.Эргашев, доктор экономических наук, профессор

Заместитель председателя редакционного совета:

С.Н.Хамраева, доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор:

Н.А.Очилова, PhD, доцент

Технический редактор:

С.Ж.Кулмуротов

Журнал издается один раз в месяц в электронной форме и публикуется через официальный сайт журнала.

Адрес редакции:

180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225

Тел: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Факс: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@kstu.uz

Научно-практический электронный журнал «Инновационная экономика» включён в перечень национальных научных изданий на основании решения Президиума Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан от 5 апреля 2025 года № 369.

В журнале публикуются статьи по следующим рубрикам:

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика регионов и отраслей
4. Малый бизнес и частное предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг и туризм

Редакционная коллегия:

Международные члены Совета редколлегии:

Овчинников Виктор Николаевич - д.э.н., профессор, академик (Южный федеральный университет, Россия)

Солодовников Сергей Юрьевич - д.э.н., профессор (Белорусский национальный технический университет)

Виктор Александрович Сидоров - д.э.н., профессор, (Кубанский государственный университет)

Шевченко Игорь Викторович - д.э.н., профессор (Кубанский государственный университет)

Кусаинов Халел Хаймуллович - д.э.н., профессор, академик (НААН Республика Казахстан)

Самандарзода Искандар Хаким - д.э.н., профессор (Таджикистанский аграрный университет им. Ш. Шотемура)

Гибатуллин Артур Артурович - к.э.н., доцент (Национальный исследовательский университет «Московский энергетический институт»)

Войнаш Сергей Александрович - научный сотрудник (Российского университета дружбы народов имени П.Лумумби)

Пуляева Валентина Николаевна - к.э.н., доцент (Финансовый университет при Правительстве РФ)

Морковкин Дмитрий Евгеньевич - к.э.н., доцент (Финансовый университет Правительство РФ)

Садриддинов Манучехр Исламиддинович - д.э.н., профессор (Национальная академия наук Республики Таджикистан)

Перская Виктория Вадимовна - д.э.н., профессор (Финансовый университет при Правительстве РФ)

Молчанов Игорь Николаевич - д.э.н., профессор (Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова)

Басова Мария Михайловна - д.э.н., профессор (Финансового университета Российской Федерации)

Чупин Александр Леонидович - к.э.н. (Российского университета дружбы народов имени П. Лумумби)

Незаймакин Валерий Николаевич - д.э.н., профессор (РГТУ)

Никонорова Алла Владимировна - к.э.н., доцент (Финансового университета Российской Федерации)

Дмитриева Ольга Александровна - к.э.н., доцент (Финансового университета Российской Федерации)

Швец Юрий Юрьевич - к.э.н., доцент (Институт проблем управления РАН)

Колосова Елена Валерьевна - к.э.н., доцент (Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова)

Члены Совета редколлегии:

Гулямов Саидхорр Саидхмедович - д.э.н., профессор, академик

Пардаев Мамаюнус Каршибоевич - д.э.н., профессор

Навруз-зода Бахтиёр Негматович - д.э.н., профессор

Хатамов Очилди Курбанович - д.э.н., профессор

Файзиева Ширин Шодмоновна - к.э.н., профессор

Жумаева Гулрух Журакуловна - к.э.н., профессор

Эгамбердиева Салима Раимовна - к.э.н., доцент

Еркаева Гулбахор Панжиевна - к.э.н., профессор

Якубова Шамина Шухратовна - д.э.н., (DCs), доцент

Амиркулов Шухрат Олимович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Самиева Гулноза Тохировна - д.ф.э.наук., (PhD), доцент

Алигулов Азамат Туйгунович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Аминов Фазлитдин Бахадирович - к.э.н., доцент

Хужакулова Нигора Рустамовна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Туробов Шерзод Алишерович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Алимова Муниса Юльчиевна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Эрашьева Насиба Рахматуллаевна - д.э.н., (DCs), доцент

Бобоккулов Санжар Бахромкулович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Джалилов Рахмонкул Хамидович - д.ф.э., (PhD), доцент

Номазов Бахром Бобомуродович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Алимханова Нигора Алимхановна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Джанузакوف Мирзабек Кулмаматович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Мухаммадиева Юлдуз Юсуповна - д.ф.э.н., (PhD)

Турсунова Азиза Хошимовна - д.ф.э.н., (PhD)

Холлиев Шерали Бахтиёрович - д.ф.э.н., (PhD)



Nazariya va metodologiya
Theory and methodology
Теория и методология



УДК: 314.1:314.17:330.34

<https://doi.org/10.70769/3030-315X.II.1.1.2026.1>

ДУНЁ АҲОЛИСИННИНГ ТАРКИБИ, УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ҲОЛАТИ

*Саидахрор Саидахмедович Гуломов
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев
Дилшод Субонкулович Пардаев*

СОСТАВ НАСЕЛЕНИЯ МИРА, ЕГО ИЗМЕНЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ

*Саидахрор Саидахмедович Гуломов
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев
Дилшод Субонкулович Пардаев*

WORLD POPULATION COMPOSITION, ITS CHANGES, AND PROSPECTS

*Saidakhror Saidakhmedovich Gulomov
Mamaynus Karshibaevich Pardaev
Dilshod Subonkulovich Pardaev*

Received: January 4, 2026 Revised: January 7, 2026 Accepted: January 10, 2026 Published: February 1, 2026

Аннотация. Мақолада дунё аҳолисининг таркиби, уларнинг ўзгаришлари ва истиқболдаги ҳолати ёритилган бўлиб, бунда дунёда аҳолисининг 1960-2025 йилларда ўзгариш суръати ва 2050 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари, дунёда аҳолиси бўйича 20 та энг йирик мамлакатларнинг 2025 йилдаги ҳолати ва 2100 йилларга ҳисобланган прогноз кўрсаткичлари келтирилган. Шунингдек, дунёда 2026 йилнинг бошида энг бой 15 та мамлакатларнинг бойликлари ҳам таҳлил қилинган. Булар билан биргаликда аҳолининг этник таркиби, хусусан Ўзбекистонда яшайдиган доимий аҳолисининг этник таркиби, жами аҳолига нисбатан ҳиссалари ҳисобланиб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Аҳоли, дунё аҳолиси, этник таркиб, дунё аҳолисининг этник таркиби, миллатлар, миллий таркиб, табақаланиш, ҳудудлар, аҳоли сони, ассимиляция, консолидация.

Аннотация. В статье рассматривается состав населения мира, его изменения и перспективы, включая темпы изменения численности населения мира в 1960-2025 годах и прогнозные показатели на 2050 год, состояние 20 крупнейших стран мира по численности населения в 2025 году и прогнозные показатели на 2100 год. Также анализируется богатство 15 самых богатых стран мира на начало 2026 года. Наряду с этим, рассчитывается и анализируется этнический состав населения, в частности, этнический состав постоянного населения, проживающего в Узбекистане, его доля в общей численности населения.

Ключевые слова. Население, население мира, этнический состав, этнический состав населения мира, нации, национальный состав, стратификация, регионы, численность населения, ассимиляция, консолидация.

Abstract. This article examines the composition of the world population, its changes, and prospects, including the rate of change in the world population from 1960 to 2025 and projected figures for 2050, the state of the 20 largest countries by population in 2025, and projected figures for 2100. The wealth of the 15 richest countries at the beginning of 2026 is also analyzed. The ethnic composition of the population is also calculated and analyzed, in particular, the ethnic composition of the permanent population residing in Uzbekistan and its share of the total population.

Keywords: Population, world population, ethnic composition, ethnic composition of the world population, nations, national composition, stratification, regions, population size, assimilation, consolidation.

■ КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони куйидаги 5 та устувор йўналишлар доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган. “ҳар

бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш; барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш; сув ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш; қонун устуворлигини таъминлаш, халқ



хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш; мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш” [1]. Кўриниб турибдики мазкур стратегияда ҳамма нарса аҳолининг тинчлиги, фаровонлиги ва муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг бугунги ҳолатини, ўзгариш тенденцияларини, уларнинг ҳудудлар бўйича жойлашувини, табақаланишларини ўрганишни тақозо қилади. Шу жиҳатан мазкур дунё аҳолисининг таркиби, уларнинг ўзгаришлари ва истиқболдаги ҳолатига бағишланган мақола бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада дунё аҳолисининг таркиби, уларнинг ўзгаришлари ва истиқболдаги ҳолатини ёритиш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, миқдор ва сифат, таҳлил ва синтез, макон ва замон, мантиқий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Дунё аҳолиси сони 2025 йилда 8,3 миллиард кишига етди. Ҳозирги шароитда бу рақам тизимли равишда ошиб бормоқда. БМТ маълумотида кўра, 1990 йилда 5,3 миллиард, 2015 йилда эса 7,3 миллиард бўлган дунё аҳолиси сони айтилганга келиб 8,3 миллиардга етди. Бу рақам 2050 йилда 10,0 миллиардга, 2100 йилда эса 10,2 миллиардга етиши кутилмоқда.

Қайд этиш жоизки, ушбу аҳолининг “энг катта қисми – 60 фоизи (4,7 миллиарди) Осиё китъасида истиқомат қилмоқда. Африкада 17 фоиз (1,3 миллиард), Европада 10 фоиз (750 миллион), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 8 фоиз (650 миллион), Шимолий Америка ва Океанияда 5 фоиз (тегишли равишда 370 ва 43 миллион) аҳоли истиқомат қилади. Дунё аҳолиси ҳозирги кунда йилига 82 млн кишига кўпаймоқда. Чунки БМТнинг маълумотлари бўйича ҳар сонияда ўртача 2,6 бола дунёга келади”. Бу албатта аҳолининг кўпайишига олиб келади.

Дунё аҳолисининг 1960-2025 йилларда ўзгариш суръати ва 2050 йилларга прогноз кўрсаткичлари куйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Дунёда аҳолисининг 1960-2025 йилларда ўзгариш суръати ва 2050 йилларга прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Йиллар	Аҳолининг сони, миллиард нафар	Асос йилига нисбатан ўзгариш суръати, %	Ўтган даврга нисбатан ўзгариш суръати, %
1.	1960	3,0	100,0	100,0
2.	1970	3,7	123,3	123,3
3.	1980	4,4	146,7	118,9
4.	1990	5,3	176,7	120,5
5.	2000	6,1	203,3	115,1
6.	2010	6,9	230,0	113,1
7.	2020	7,7	256,7	111,5
8.	2025	8,3	276,7	107,8
9.	2050	10,0	333,3	120,5

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, дунё аҳолиси 90 йил давомида 3,0 млн.дан 10,0 млн.гача, яъни 333,3 %га кўпайган. Бу кўпайиш жараёни давом этмоқда. Бироқ ҳар ўн йиллик давр таҳлил қилинганда шунга амин бўлдики, аҳолининг ўсиши дунё микёсида секинлашиб бормоқда. Масалан, дастлабки ўн йилликда, яъни 1970 йилда 1960 йилга нисбатан ўсиш суръати 123,3 %ни ташкил қилган бўлса, 2010-2020 йиллар давомида ушбу кўрсаткич 111,5%ни ташкил қилади. Муҳими 2025-2050 йиллар, яъни 25 йил давомида аҳолининг ўсиши атиги 120,5 %ни ташкил қилади. Бу дастлабки ўн йиллик, яъни 1960-1970 йиллардаги ўсиш суръатига нисбатан 2,8 %га (123,3 – 120,5) кам. Аҳолининг ўсиши дунё микёсидаги ҳудудларда ҳам турлича.

Аҳоли сони бўйича Осиё китъасининг биринчи ўринда экани, шубҳасиз, Чунки Хитой ва Ҳиндистоннинг ўзлари аҳолининг асосий қисмини ташкил қилади. Жумладан Хитойда 1,4 миллиард,

Ҳиндистонда эса 1,3 миллиард, жами шу икки давлатда 2,7 миллиард аҳоли яшайди. Ҳиндистон 2027 йилдан бошлаб аҳоли сони бўйича Хитойни қувиб ўтиши ва дунёнинг аҳолиси энг кўп мамлакатига айланиши кутилмоқда. 2100 йилга бориб, дунё аҳолиси 10,18 миллиард кишини ташкил қилади. Шу йилларда Ҳиндистон аҳолиси 2025 йилга нисбатан 103,4 %га кўпайиб, 1,51 миллиардга етади. Бироқ, Хитой аҳолиси шу даврда 44,6 %га камайиб, аҳолиси 633 млн. кишини ташкил қилади. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, кўпгина тахминларга кўра, яқин ўн йилликларда Европа аҳолиси тобора камайиш тенденциясига эга бўлади. Бундай шароитда Африка аҳолисининг ошиб бориши кузатилади. У ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиш учун дунёда аҳолиси бўйича энг йирик 20 та мамлакатларнинг 2025 даги ҳолати ва 2100 йилларга прогноз кўрсаткичларига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик (2-жадвал).



**Дунёда аҳолиси бўйича 20 та энг йирик мамлакатлар рўйхати 2025 даги ҳолати ва 2100 йилларга
прогноз кўрсаткичлари**

Т/р	Давлатлар номи	Аҳоли сони, млн. нафар		
		2025 йилда	2100 йилда	Ўзгариш суръати, %
1.	Дунё аҳолиси	8,23 млрд.	10,18 млрд.	123,7
2.	Хиндистон	1,46 млрд.	1,51 млрд.	103,4
3.	Хитой	1,42 млрд.	633 млн.	44,6
4.	Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)	347	421	121,3
5.	Индонезия	286	296	103,5
6.	Пакистон	255	511	200,4
7.	Нигерия	238	477	200,4
8.	Бразилия	213	163	76,5
9.	Бангладеш	175	209	119,2
10.	Россия	144	127	88,2
11.	Эфиопия	135	357	264,4
12.	Мексика	132	132	100,0
13.	Япония	123	78	63,4
14.	Египит	118	202	171,2
15.	Филиппин	117	116	99,1
16.	Конго ДР	153	431	281,7
17.	Танзания	96	263	273,9
18.	Ангола	56	159	283,9
19.	Судан	83	137	165,1
20	Ўзбекистан	28	74	264,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё аҳолиси шу таҳлил қилинаётган 75 йил давомида 123,7 %га, яъни 8,23 млрд. кишидан 10,18 млрд. кишига ошади. Аммо бу тенденция ҳамма мамлакатларда бир хил эмас. Танлаб олинган 20 та давлатдан 2025-2100 йиллар давомида 5 та давлатда аҳолининг камайиши рўй беради. Жумладан, Хитойда 2100 йилда 2025 йилга нисбатан – 44,6 %ни, Бразилияда – 76,5 %ни, Россияда – 88,2 %ни, Японияда – 63,4 %ни, Филиппинда – 99,1 %ни ташкил қилади. Таҳлил қилнаётган 20 та мамлакатлар ичида 7 та мамлакатда аҳолининг ўсиши 200,0 %га зиёд бўлган. Буларга Пакистон ўсиш даражаси – 200,4 %, Нигерия – 200,4 %, Конго ДР – 281,7 %, Танзания – 273,9 %, Ангола – 283,9 %, Эфиопия – 264,4 %, ва Ўзбекистан – 264,3 % каби давлатлар киради. Қолган давлатларнинг ўзгариш даражаси бироз ошган ва 101,0 фоиздан 199,1 фоиз оралиғидаги ўсиш даражасини ташкил қилади.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, дунё аҳолисининг умумий сони бўйича аниқ маълумотларни олиш билан бирга миллий таркибини аниқ билиш жуда мушкул экан, чунки дунёнинг кўп мамлакатларида миллатлар ассимиляцияси, яъни уларнинг бир-бири билан қоришиб кетиши ҳамда консолидация жараёни, яъни миллий жипслашиш ҳолатлари ҳам кенг тарқалган. Шунга қарамадан айрим мамлакатларда миллий таркиби ўтказилган рўйхатларда тўла ёритилади. Бироқ баъзи мамлакатларда миллатлар ҳақида маълумот тўла ва аниқ кўрсатилмайди. Шунингдек, жуда кўп давлатларда қабул қилинган этник терминологияда ҳам анча тафовутлар мавжуд.

Булардан кўриниб турибдики, аҳолининг миллий таркиби ҳамма давлатларда ҳам ҳисобга

олинавермас экан. Аслида муайян ҳудуд ёки мамлакатда яшовчи аҳолининг миллатлар бўйича аниқ таркиби ҳисобга олинishi лозим. Маълумки маълум вақтларда аҳолининг миллий таркиби ҳақидаги маълумотлар аниқ рўйхатдан ўтказилади. Бу ҳар бир давлатнинг статистик кўрсаткичларида акс эттирилиши лозим. Аммо этник статистика ривожланмаган давлатларда рўйхат олиб бориш миллати бўйич эмас, балки аҳолининг тил бирлиги ва динига қараб этник гуруҳларга ажратилади. Бунда қанча аҳоли қайси тилда гаплаша олиши ёки ким қайси динга мансублиги инобатга олинади, аммо миллати ҳисобга олинмайди.

Бунга бир қанча мисолларни келтириш мумкин. масалан, “инглиз, француз, испан тилида сўзлашувчи кўпгина мамлакатларда «миллат» тушунчаси доимо «давлат» тушунчаси билан тенглаштирилади ва «миллат» атамаси давлатга мансублик — фуқароликни билдиради. Шунинг учун кўп манбаларда этник гуруҳлар — халқлар ҳақида маълумотлар учрайди. Дунёда қарийб 3 минг халқ рўйхатга олинган ва улар турли қитъаларда истиқомат қилади”. Бироқ, ҳар бир китада ҳам турли миллат, турли тилларда гаплашадиган халқлар бор. Буларнинг бири бўйича миллати аниқланса, иккинчиси бўйича тили инобатга олинади. Халқларнинг этник жиҳатдан табақаланиши ҳам турли давлатларда турли эканлигини кўриш мумкин. Буни қиталар бўйича қараб чиқадиغان бўлсак, масалага янада ойдинлик киритилиши мумкин.

Биринчи галда Европа мамлакатларини оладиган бўлсак, бу ҳудудда Аҳолининг миллий таркиби бўйича 3 гуруҳга бўлиниши анаъанага айланган. Биринчи гуруҳга бир миллатли давлатлар киради. Чунки ушбу давлатларнинг ҳар бирида



асосий миллат 90% ва ундан ортиқроқ қисми ташкил этиши лозим экан. Бундай гуруҳга Польша, Германия, Венгрия, Дания, Швеция каби 20 дан ортиқ мамлакат қиради. Ушбу давлатларнинг аҳолиси таркибида 90,0 %дан ортиғини шу давлатда яшайдиган асосий миллат вакиллари ташкил қилади. Масалан, Польшада асосан поляклар, Германияда асосан немислар, Венгрияда эса, венгирлар, Дания ва Швеция ҳам шу давлатларга хос бўлган миллат вакиллари кўпчиликини, яъни 90,0 %дан кўпроқни ташкил қилади.

Иккинчи турдаги давлатларни кўп миллатли давлатлар, деб аташади. Ушбу давлатларда асосий миллат билан бирга бошқа бир қанча миллатлар ҳам истиқомат қилади ва аҳоли таркибида салмоқли ўринни эгаллайди. Ушбу давлатлар қаторига Буюк Британия, Испания, Швейцария каби мамлакатларни киритиш мумкин. Мазкур давлатларда ҳам аҳолининг асосий қисми шу давлатга мансуб, аммо уларнинг улуши умумий аҳолининг 90,0 %дан кам миқдорни ташкил қилади.

Учинчи турдаги мамлакатлар оралиқ давлатлар ҳисобланади. Бундай давлатларда миллий масалага оид муаммолар тўла ҳал қилинмаган. Чунки, ассимиляция натижасида бир миллат ёки гуруҳнинг бошқа миллат ёки маданиятга сингиб кетиши, ўз миллий хусусиятларини йўқотиши туфайли оз сонли халқлар ва миллатларни мажбуран ассимиляция қилиш сиёсатидан фойдаланиб, миллат масаласи асосий ўрнини йўқотиб улгурган ҳисобланади. Бундай давлатларга Испания, Ирландия каби давлатларни киритиш мумкин.

Африка қитъасида ҳам турли миллатлар ва элатлар яшайди. Аҳолининг миллий таркибига кўра булар ҳам 3 та этник гуруҳга бўлинар экан. Буларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, Шимолий ва Шимолий Шарқий Африка қисми ҳисобланади. Бу ҳудудларда ўзаро яқин араблар ва барбарлар яшайди.

Иккинчидан, ушбу ҳудудга Шарқий ва Ғарбий Судан давлатини келтириш мумкин. Бу ҳудудларда миллати, дини ва тили турли бўлган фульбе, волоф, гвинейликлар, гурлар, хауса, ибо каби халқлар яшайди.

Учинчидан, тропик ва Жанубий Африка ҳудудида маданияти, урф-одати ва тили ўзаро яқин бўлган банту халқлари яшайди. Булар ҳам этник жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Юқорида таъкидланганидек, Америка қитъаси аҳолисининг миллий таркибида кўпчиликини (95%) Европадан кўчиб борган халқлар ва уларнинг аралашувидан вужудга келган турли миллатга мансуб гуруҳлар яшайди. Бу ерда миллатлар қайси давлатдан келган бўлса, шу давлат номи билан аталади. Масалан, россияликлар, америкаликлар, украиналиклар, кубаликлар каби атамалар билан аташади.

Узоқ йиллардан буён яшаб келаётган Австралия ва Океания аҳолиси ҳам ўзига хос бўлиб, буларни ҳам этник таркибга кўра икки қисмга ажратиш мумкин экан.

Биринчидан, бу ҳудудда асосан инглизлар яшар эка. Жумладан, Австралия ва Янги Зеландияда

инглизлар ва Янги зеландиялик инглизлар яшаб истиқомат қилар экан.

Иккинчидан, айрим аҳолилар орларда ҳаёт кечириб келмоқдалар. Жумладан, Полинезия, Меланезия ва Микронезия оролларида аҳоли этник жиҳатдан қабила-қабила бўлиб яшар экан. Бу халқлар умумий ном билан папуаслар деб ҳам аталар экан.

Дунё аҳолисининг ўзгариши ва таркибини қараб чиқдик. Эндиги ҳолат дунёдаги айрим ривожланган мамлакатлар бойликлари тўғрисида ҳам айрим маълумотларни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Энди бир савол туғилади. Америка қитъаси, шу жумладан АҚШ аҳолисининг миллий таркибида кўпчиликини (95%) Европадан кўчиб борган халқлар ва уларнинг аралашувидан вужудга келган гуруҳлар ташкил қилади. Бунча катта бойлик қандай тўпланган? Аксарият аҳоли бу ерга бойлиқни олиб келиш учун эмас, бу ерда бойлик ишлаб, олиб кетиш учун келган. Аммо бу ерда бойлиқни миллатлар бўйича ҳам аниқлаш имкони йўқ. Чунки миллатлар қайси давлатда яшаб келган бўлса, шу давлат номи билан аталар экан. Масалан, америкаликлар, кубаликлар, ўзбекистонликлар ва ҳ. к. Бунда миллат инобатга олинмайди. Ўзбекистондан борган аҳоли миллатидан қатъи назар, АҚШ учун ўзбекистонликлар ҳисобланади.

Дунёда давлатлар бойлиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Бироқ бойлиги, улардаги аҳоли сони билан мос эмас экан. Бунини дунёда 2026 йилнинг бошида энг бой 15 та мамлакатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу бўйича маълумотлар қуйидаги жадвалда берилган (4-жадвал).

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунёда энг бой мамлакат Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) ҳисобланар экан. Уларнинг бир йиллик бойлиги 28,5 трл. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Иккинчи ўринда Хитой давлати ҳисобланади. Унинг бойлиги 25,8 трл. АҚШ доллари тенг. Эътибор қилсак, биргина АҚШнинг бойлиги энг ривожланган 5 та мамлакатнинг (Германия - 5,2 трл., Ҳиндистон - 4,9 трл., Япония - 4,8 трл., Буюк Британия - 3,9 трл., ва Франция - 3,8 трл.) бойликларидан кўп. Худди шундай бойликка Хитой ҳам эга. Унинг бойлиги - 25,8 трл. АҚШ долларини ташкил қилади.

Бундай бойликларни қўлга киритган давлатлар аҳолиси янги инновация технологиялар билан шуғулланиб келаётган, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган аҳолисининг борлиги билан ажралиб туради. Қайси давлат бой-бадавлат яшашни хоҳласа инсон капиталига катта аҳамият бериши, булардан жисмоний меҳнат қилиш учун эмас, балки ақлий меҳнат билан банд бўлишини таъминлашга оид салоҳиятни яратиш лозим бўлади. Бунинг учун мамлакатларда замонавий сифатли таълимни йўлга қўйишни ҳам тақозо қилади.



Дунёда 2026 йилнинг бошида энг бой 15 та мамлакатлар рўйхати

Т/р	Давлатлар номи	Бойлигининг миқдори, АҚШ долларида
1.	Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)	28,5 трл.
2.	Хитой	25,8 трл.
3.	Германия	5,2 трл.
4.	Ҳиндистон	4,9 трл.
5.	Япония	4,8 трл.
6.	Буюк Британия	3,9 трл.
7.	Франция	3,8 трл.
8.	Бразилия	3,2 трл.
9.	Италия	2,8 трл.
10.	Канада	2,8 трл.
11.	Россия	2,4 трл.
12.	Жанубий Корея	2,1 трл.
13.	Австралия	2,0 трл.
14.	Испания	1,9 трл.
15.	Мексика	1,7 трл.

Маълумки, Ўзбекистон ҳам қўп миллатли давлат. Республикада ҳозирги пайтда, юқорида таъкидланганидек, 120 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Бу ерда асосий миллат ўзбеклар ҳисобланади. Буларнинг улуши барча аҳолининг 84,4 %ни ташкил қилади. Шунингдек руслар олдин 1989 йилларда 8,3 %ни ташкил қилган бўлса, ҳозир 2,1 %ни ташкил қилмоқда. Чунки рус миллатига мансуб аҳолининг бир қисми Россияга кўчиб кетган бўлса, қолган қисмида туғулиш жуда кам. Шу ҳисобига йилдан-йилга ушбу миллат вакиллари ҳиссаси камайиб бормоқда ва бу давом этади. Ҳозирги кунда тожикларнинг ҳиссаси 4,9 %ни ташкил қилади. Қозоқлар эса 2,4 %ни ташкил қилмоқда. Қорақалпоқларнинг улуши 1989 йилдан буён ўзгармасдан 2,1 %га тенг бўлиб келмоқда. Худди шундай, тожиклар ҳам, қирғизлар ва қозоқлар ҳам кам ўзгариш билан яшамоқда. Демак Марказий Осиё халқлари қайси давлатда бўлинишидан қатъи назар, бир жойда нисбатан муқим яшайди.

■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг мавжудлиги катта бойлик. Бироқ ҳозирги кунда уларнинг турмуш даражасини ошириш учун ҳам барча жабҳаларда инноватсион ривожланишга эришиш мақсадга мувофиқдир. Буларни инобатга олиб қуйидаги илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқдик.

Биринчидан, ҳозирги инноватсион ва интерпратсион ривожланиш шароитида инсон капиталини такомиллаштириш, уларнинг сифатига эътиборни қаратиш лозим. Ҳар бир инсон имкон қадар иш изловчи эмас, иш берувчи руҳияти билан шаклланиган ва шунга интилиб яшайдиган бўлиши лозим. Бунинг учун таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминламасдан эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, Ҳар бир мамлакат бой бўлиши учун инсон капиталига асосий эътиборни қаратиб, уни такомиллаштириши, бунинг учун инноватсион йўналишлар билан курулладиган кадрларни тайёрлашга йўналтирилган дуал таълим тизимини ҳам ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун олий таълим ташкилотлари бевосита ишлаб <https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>

чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда ишсизликни тугатиш ва камбағалликни қисқартириш учун маҳаллаларнинг ўзида кичик корхоналарни, хизмат кўрсатиш шахобчаларини очиб, биринчи галда маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар ва эркакларни ишга жойлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, дунё миқёсида аҳолининг камайиши рўй бераётган ҳозирги даврда мамлакатимиз аҳолисининг камайиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида 3 нафар ва ундан ортиқ болаларни дунёга келтириб улғайтираётган аёлларни тизимли равишда рағбатлантириш механизмни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки улар жамиятимиз учун сермахсул инсон капиталини ишлаб чиқиб, уларни тарбиялаб вояга етказаётган оналардир.

Агар ушбу тавсияларимиз амалга оширилса мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилган бўлар эди.

Muallif (lar) haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Саидахроп Саидахмедович Ғуломов ЎзР ФА академиги, и.ф.д., профессор / Саидахроп Саидахмедович Ғуломов академик Академии наук Республики Узбекистан, доктор экономических наук, профессор / Saidakhror Saidakhmedovich Gulomov Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Economics, Professor akademicgulamovss@gmail.com <https://orcid.org/0009-0006-9594-8516>

2. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д. / Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев



профессор Самаркандского института экономики и сервиса, доктор экономических наук / Мамаунус Каршибаевич Пардаев
Professor at the Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of Economics

pardaev_mk@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0003-5385-8721>

3. Дилшод Субонкулович Пардаев Самарканд вилояти Касбий кўникмалар маркази директори / Дилшод Субонкулович Пардаев директор Центра профессиональных навыков Самаркандской области / Dilshod Subonkulovich Pardaev

Director of the Samarkand Regional Center for Professional Skills

dilshod_mk@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0004-5613-6231>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

2. <https://aniq.uz/yangiliklar/dunyo-aholisi-soni-8-milliard-kishiga-yaqinlashmoqda>

3. <https://www.youtube.com/shorts/Csql1M3itDs?t=1&feature=share>.

4. <https://www.youtube.com/shorts/bqxxh0iyoN3I?feature=share>

<https://www.youtube.com/shorts/Csql1M3itDs?t=1&feature=share>.

5. <https://zarnews.uz/post/dunyo-aholisi-qay-tarzda-ozgaradi>.

6. <https://www.youtube.com/shorts/bqxxh0iyoN3I?feature=share>



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X



t.me/kstu_uz



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225



www.kstu.uz
www.ojs.kstu.uz